


ЎЗНОМСН

Ушбу сонда:

- 2 УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА
афзаллиги кўп экан
- 3 ВАҚТНИНГ
СОЧИ ОҚАРМАС
- 4 ТАШАББУС
КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯДИ



Орамиздаги одамлар



САДОҚАТ

ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Садоқат дарсдан бўшаган вақтлари онасининг ёнида ўтириб тикувчилик, каштачилик, зардўзлик каби хунарларни ўрганарди. Айниқса, унинг бадиий каштачиликка иштиғиёи баланд эди. Шу тарзда вояга етди. Кўнгул чевар, ажойиб тадбиркор сифатида элга танилди.

Ўқиб-ўрганганлари зое кетмади. Садоқат Йўлдошев ва Жиззах Давдат педагогика олийгоҳининг тасвирий санъат бўлимига ўқишга қабул қилинди. Кўп ўтмай, чевар қиз билим даргоҳи қошида хунармандчилик мактаби очиб ташаббуси билан чиқди. Ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандлари ва талабаларга бепул хунар ўргатишни режалаштирганлигини айтганда, уни бажонидил қўллаб-қувватлашди. Шу тарзда «Уста-шоғирд» мактаби юзага келди. Уч йилдирки, мактаб жамоаси бадиий каштачилик, зардўзлик, замонавий ҳисрат усу-

лида тикиш-бичиш ишларини намунали ташкил этипти. Айни пайтда махсулотлар сони 80 турга, ишчи ўринлари 25 тага етди.

— Хунар — хунардан унар, — дейди С.Йўлдошев. — Хар қим ўзи ёқтирган хунарни ўрганса, уни эъзозлаб жамиятимиз учун кўпроқ наф келтирса, хурмати ҳам ортиб бораверади. Садоқат «Уста-шоғирд» мактабини кенгайтириш мақсадида ўз ҳисобидан жиҳозлар учун 1 миллион сўм маблағ ажратди. Натижада ишлари янада юришиб кетди. Унинг муваффақиятлари кўпчиликини қувонтирмақда. Йиллар ўтгани сайин обрўси ҳам

Шоғирдлари сони бугунги кунда 300 нафардан орди. Садоқат бошқа ишлари билан бир қаторда «Хунарманд аёллар» вилоят ассоциацияси раиси ҳамдир. У вилоят ўлкашунослик музейига 100 дан зиёд экспонатлар тақдим этди. Уддаўрон тадбиркор 2001 йилдан буён турли кўрик-танловларда иштирок этиб келади. Жумладан, Президент соврини учун «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашиб фахрли ўрин олган бўлса, «Ташаббус-2007» кўрик-танлови ҳам унга муваффақият келтирди. С.Йўлдошев «Энг ёш тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиб бўлди ва Японияга тажриба алмашгани бориш учун йўлланмани қўлга киритди.

Абдулла САИДОВ

Хабарлар

КАСАНАЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИ ОРТМОҚДА

Жиззах вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 400 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, серфарзанд оилаларга бепул тикув машинаси ҳада этилди.

Бундан кўзланган мақсад — Президентимизнинг «Ириқ санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрнатишда кооперацияни кенгайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра вилоятда касаначиликни янада ривожлантириш, аҳолини муқим иш ўрни билан таъминлашдан иборат.

Вилоятда 2006 йили 3141 та касаначилик иш ўрни ташкил этилган бўлса, шу йўл билан жорий йилнинг биринчи чорагида 476 киши доимий ишли бўлди ва улар томонидан 84 миллион сўмлик иш бажарилиди.

Биргина «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОТАЖ-да оғига 5,5 миллион сўмлик касаначилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

РУСЛАНИ ШАРАФЛАБ

Ҳамюртимиз Руслан Чагаовнинг галабасини Жиззахликлар ҳам катта қувонч ва шодонлик билан кутиб олинди.

Жиззах Олимпия захиралари коллежиде бўлиб ўтган тантанادا кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманда суага чиққан спорт фахрийлари, донгдор кишилар, умидли ёш спортчилар Русланинг галабасини кутлаш билан бирга мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортига эътибор ортиб бораётганлигини мамнулик билан таъкидлашди.

Спортчиларнинг чиқишлари, концерт дастури йилгиланларга ўзгача завқ бағишлади.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Тақдир азал ҳаммага бирдек кулиб боқавермайди. Унинг синовлариға фақат инсон зотиниға дош бера оларкан. Оқдарёлик Турсун Олтибоева фарзандлари роҳатини кўриш давриға етганида суринда. Бирваракайига бир неча дардини орттириб тўшаққа микланди. Бошинг ёстиққа текканида, яқинлар, хешу ақраблар қадри билинаркан. Садоқатли умр йўлдош, қобил фарзандлар қуршолида жонни ўртовчи дард азобларига дош берди. Маҳалла-кўй, кўн-кўшилар бемор кўнглини овлашга, бир зум бўлса-да, сафдан чиқиб қолганини билинтермасликка интилди.

Хонадонига оқ халатли кишилар кириб келиши опани ажаблантирмади. Негаки уларнинг ташрифлари одатий ҳол бўлиб қолганди. Аммо бу галгиси бошқача эди. Беморни обдон кўздан кеңдорин шифокорлар унга ногиронлик гуруҳи белгиллаш мақсадида келганлигини айтишди.

— Давлатимизга раҳмат, — дея лаблари пичирлади Турсун опанинг. — Бемор, тўшақда этиб қолганларни ҳам унутмас экан.

Оқдарёда Турсун Олтибоева сингари оғир дарддан азият чекаётганлар оз эмас. Беморлар ҳолатини ўрганган 12-сонли туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси, 13 нафар киши ногиронлик аравачаси билан таъминлашни даркор, деган хулосага келди. Туман прокуратураси ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқди.

Ҳайрли, савобли ишни қўллаб чиққанлар кўп бўлди. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳомийлар ва прокуратура идораси ҳодимлари ҳар бир бемор хузурига совға-салом ва махсус аравача билан ташриф буюришди. Дунё деразага айланган, ёруғ жаҳонга интиқ, дардманд дилларда шодлик жилоланди.

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Аммо уни йўқотиш осон, тиклаш эса мураккаб. 12-сонли туманлараро ТМЭК раиси Неъматжон Шукуровнинг эътироз этишима, Иштихон ва Оқдарё туманлари аҳолиси ораси-

САХОВАТНИНГ УМРИ БОҚИЙ

тикланганини аниқлади. Эндиликда улар турли меҳнат жаҳаларида ишлаши, ўзини кўрсатиш имкони борлигидан қувонмоқда. 19 нафар фуқаро эса қисман меҳнат фаолиятини йўлга қўйиши мумкин. Комиссия тавсиясига биноан 28 нафар фуқарога сало-матликларини тиклашлари учун йўлланма ажратилган. 10 нафар беморнинг протез устaxonаси хизматидан фойдаланиши йўлга қўйилган.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ахборот

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йилгилиши ўтказилди. Унда раёсат аъзолари, шунингдек, бирлашма бўлимлари мудирилари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раислари ва вакиллари, бир қатор ташкилотларнинг касаба уюшма кўмиталари раислари иштирок этди.

Йилгилишда «Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши тизимидаги ташкилотларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Харақат дастури, IV Курултойи ва вилоят касаба уюшмалари IV уюшмалараро конференцияси қарорларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Вилоят агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси ташкилотиде мазкур масала юзасидан амалга оширилган муайян ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилганини кенг муҳокама қилинди. Яқунлар юзасидан бирлашма кенгаши раёсатининг тегишли қарори қабул қилиниб, тармоқ касаба уюшма ташкилотларига аниқ вазифалар топширилди.

Кун тартибидеги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ижроия кўмитасининг 2007 йил 16 мартдаги сайёр йилгилиши яқунлари тўғрисида»ги, «Бухоро вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2007 — 2009 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Битим тўғрисида»ги масалалар юзасидан вилоят бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари А. Жумаевнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ишчи гуруҳи томонидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишчи гуруҳининг маълумотномалари тегишли амалий тадбирлар ишлаб чиқиш учун барча тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва вакилликларига етказилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Б. Муҳамедова касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар хусусида алоҳида тўхтади. Галдаги аниқ вазифалар белгиланди.

Ўз мухбиримиз



Азим СУЙУН

КЎКЛАМ ҚАДАМЛАРИ

раёндан телевидение ва радио бетиним хабарлар етказиб турди. Айниқса, шанба кунги ҳаво зап бўлди-да. Шредер номли боғ далалари ҳашарчиларга тўлиб кетди. «Экосан» бош-қош. Мамлакатимизнинг кўплаб нуфузли ташкилотларининг раҳбарлари, хо-

димлари, олимлар, адиблар, шоирлар, санъаткорлар, журналистлар шу ерда. Барча каттао кичик давлат элчилари, хизматчилари шу ерда. Бутун бир дала олмазорга айланди. Зиёфат ҳам қуюқ бўлди. Кўпчилик билан ейилган ош ширин-да.

Куй-қўшиқ, шеър авжига чиқди! Умуман, аёлманд одам ишламай туролмас, дегандек, ўзбек — баҳорий нафасни тез туйғувчи халқ. Кўклам хали оёқлаб улгурмаёк — далада, даласида! Капа тиккан, ариқ қазиган, сув чиқарган. Арзонқўл йилгиларнинг бозори ҳам чаққонлашди. Жонсарак. Гўшти суюдан ажратадиган пайт, ахир!

Мартнинг белига келиб офтоб ерни исита бошлади. Чим ўтлар яшиланиб улгурди. Ялпиз тирноқ баравардан ошди. Қиз-жувонлар, ҳатто кампирлар ариқ, сой бўйларида буй кўрсатди.

Чироқчининг тўлқинли қир-адирларида юмронқозиқлар инларидан чиқиди. Тошбақалар ўрмалаб, майса чимдий кетди. Томди чўлиларида митти бошларини сарак-сарак қилишиб калтакесаклар югургилашиб қолди. Қўй-қўзилар далада: қўзчоқлар маърашига жавобан совлиқларнинг маърашлари сурувни тутди. Чўпон-чўлининг юмуши кўпайди...

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудларининг тўртдан бир қисмини тоғлар эгаллаган. Тяньшан ва Помир-Олой тизмалари: Фарбий Тяньшанда Чотқол, Пском ва Угом тоғлари. Помир-Олойда Туркистон, Зарафшон ва Хисор тоғлари. Боботог, Кўхитанг ва Нурота тоғлари.

(Давоми 2-бетда)

Уй-жой мулкдорлари: муаммо ва ечим

Ривожланган давлатлар сингари мамлакатимиз шаҳарларининг ҳам обод бўлиши, замонавий турар-жойларни барчанинг эътиборини жалб этадиган даражада бежирим ва кўркам ҳолатда сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш ҳамда уй-жой фондини биргаликда бошқариш учун иштиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилгани жамиятимизни модернизациялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бунинг учун эса биринчи навбатда аҳолининг фаоллигини ошириш, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш лозим.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Мавжуда Ражабова билан суҳбатини айни шу соҳага оид қонун ҳужжатлари ва амалга оширилаётган ишлар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар хусусида бўлди.

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

ҳар бир фуқаронинг фаоллигига боғлиқ

— Мавжуда Абдуллоева, маълумки, коммунал хўжалик соҳасида етарли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, ишловларнинг бугунги босқичида уларнинг амалдаги ижроси таъминланапти. Суҳбатимизни шу соҳада баҳарилган ишлар ҳақидаги фикрлар билан бошлашас.

— Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январиде бўлиб ўтган кўшма мажлисида жамиятимизни демократлаштириш ва янгиланишнинг концепцияси, мамлакатимизни модернизация ва ишлов этиш бўйича асосий вазифалар ва йўналишлар ҳақидаги таклифларни баён этиб, уй-жой коммунал хўжалигини ишлов қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратиш зарурлигини, чуқури кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши муновоқо қондорларнинг ҳолатида эканлиги, ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишдан умуман бе-хавар бўлган тасодиқий кишиларга топшириб қўйилганлигидан ташвишланиб, бундай аҳволни ўнлаш учун кўп ишларни бошидан бошлашга тўғри келишини таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўтган икки йил мобайнида қонун чиқаруви ва ижро органлари томонидан турар жой-коммунал хўжалик соҳасини ишлов қилиш борасида бир қанча янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши натижасида мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари, яъни соҳада самарали фаолият юритишга тааллуқли ҳуқуқий механизм тўбдан ўзгартирилди. Бошқача айтганда, уй-жой коммунал тизимда ишлаш учун қулай шартот яратилди. Мисол тариқасида келтирсак, 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорла-

ри ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3-сонли Президент Қарори уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини хуцайтиришда ўзига хос ҳуқуқий замин яратди. Айниқса, ХУМШ уюшмаларининг ташкил этилиши, уюшма таркибига нафақат уй-жой мулкдорининг ширкатлари, шу билан бир қаторда, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш, қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек, тегишли ҳудуддаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш ишлари билан шугулланувчи бошқа пудратчи ташкилотларнинг кириши бўлган янада самарали меҳнат қилиш муҳитини юзага келтирди.

Мазкур қарор 2006 йил 12 апрелда Сенат томонидан маъқулланган амалдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабатиде билан Уй-жой Кодексидаги қўшимча ўзгартиришлар киритилишидан ташқари, Вазирлар Маъкамасининг 2006 йил майдаги қарори билан ХУМШ намунавий Низоми ҳамда ХУМШ билан кўп қаватли уйдаги турар-жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартнома тасдиқланди.

— Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Соҳада йўл қўйилган камчиликлар қайси ўринларда кўпроқ кўзга ташланмоқда?

— Ушбу саволингизга Тошкент шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини таҳлил этган ҳолда жавоб бериш ўринлидир. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра шаҳар аҳолисиға кулай шартот яратиш мақсадида ХУМШ сони 2006 йил давомида 856 тадан 1230 тага кўпайтирилиб, жами 2086 тага етказилди. Шунингдек, хизмат кўрсатишда рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича жами 96 та муқо-бил сервис компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшма ҳаёти



МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги муносабат қадим ўтмишга бориб тақалади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Кўни кеча Президентимизнинг ушбу давлатга қилган расмий сафари ҳамкорлик учун янада кенг йўл очиб беради.

Ўзбекистон ёнгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Миср Араб Республикаси тўқинчилик ва ип-газлама саноати касаба уюшма вакиллари-дан иборат делегация юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар Марказий Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишди, айрим масалалар йўзасидан фикр алмашди.



Ташриф давомида делегация аъзолари Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, «Бухоро зардулик» акционерлик жамияти, «И.Фозилов» очик турдаги акциядорлик жамияти иш фаолиятига юқори баҳо бердилар. Узок мезоий-дан ҳикоя қилувчи тарихий обидалар меҳмонларда чўқур таассурот қолдирди.

Хориз делегацияси аъзолари «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси раҳбари Раҳматилло Рузиконов билан учрашув давомида юртимиз корхоналари, саноат соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида маълумотга эга бўлдилар, ҳамкорлик ўрнатилган келишиб олдилар.

Мактуба МҮМИНОВА, «Ишонч» мухбири

Икром ХАСАНОВ олган суратлар

МИЛЛИЙ ГОЯ ТАРФИБОТИ

Миллий гоя нима? Бу саволга тез-тез дуч келамиз. Жавобини ҳар ким ўзинча талқин қилади. Мухтасар қилиб айтганда, миллий гояни муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи деб тушуниш мумкин. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзига мўъассамлаштиради. Халқнинг манфаатларини йўқотадиган. Бу гоя ўз моҳиятига кўра халқ, миллат тақдирини дахлдор деган қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши зарур вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Бошқача айтганда, у моҳиятан умуминсонийдир.

Ана шу каби фикрлар яқинда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Бухоро шаҳридаги коммунал-хўжалик касб-хунар коллежида ташкил этилган «Миллий гоя тарғиботи» мавзусида ўтказилган семинарда баҳс-мунозара объектига айланган. Тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва вакиллари, шаҳар ҳамда туман фаоллари тадбир иштирокчилари бўлдилар.

Семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Б. Мухамедова миллий гояннинг халқ ўртасидаги тарғиботи, унинг аҳамияти тўғрисида атрафлича тўхтади. Республика

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ишонч» мухбири

САМАРАСИ МУҚАРРАР

Соҳа равнақи йўлида қилинаётган ҳар қандай эзгулик ва ташаббус ўз натижасини бермай қолмайди.

Яқинда туман ХТБ ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши Қўзилтепа туман вакилиги ҳамкорлигида умумтурта таълим мактаблари ўртасида ўтказилган «Ил мактаби» кўрик-танлови ана шундай таъсирчан тадбирлардан бири бўлди. Мурасасиз кенгаши бешлашувда тумандаги 5- ва 6-мактаблар гоили-ликни қўлга киритишди.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ишонч» мухбири

(Боши 1-бетда)

Мен Ватаним тоғларининг кўкларини кўп кузатганман. Бу ерларда кўклар дарё бўйла-ри, сойлар, жилғалар, ирмоқ-лар, блоклар қирғоқларидан бошланади. Яшил, кўк қиёқлар, гиёҳлар, ўт-алафлар тигиз ўсади. Бўй талашли ўсади. Аста-секин тоғ ён Зағирларига, чўққиларга ингилиб-имтиниби ёйила бошлайди. Кейин бутал-лар, чала буталар, сўнгра тур-ли-туман оғочлар ям-яшил тус-га дўнади.

Кўклар қушлар базми мако-нидир. Айниқса, ҳеч бир ўлка-ларга кетмайдиган, доим муқим, қахратондан зада — қишлоқлар-гача, уйларгача кириб келадиган қишлоқлар дарё, сой бўйла-рини тўлдириб тўйнади. Тўлиб-тўлиб сайрайди. Тезоқар сувлар бўйида сувчумқулар ди-киллагани дикиллаган. Фотма-чумчүк адл, тик-даррахларда қаққон...

Кўкларни бировнинг бўсаға-сидан қидирманг.

Биз томонларда Наврўзни «Йилбоши» дейишди. Йилбо-шини она тоғларимда, қон-қариндошларим, дўстларим би-лан ўтказиш истаги туғилди. Са-фар халтамини елкамга осдим.

Мартнинг йиғирмасида Самарқандда кўнқо бўлдим. Самарқанд Наврўз байрами шу-қуҳида. Одамлари юзи гўлгун.

Самарқанд Давлат универси-тети ректори, улкан археолог олим Темир Ширинов ва бошқа элдошлар билан суҳбатда бўлдим, шаҳар айландик.

Бу йил кўнча Самарқанд 2750 йиллик тўйини нишонлай-ди. Тўйга тайёргарлик кетмок-да. Ҳамма томонда кўклар шу-қуҳи, тўй кайфияти. Янги-янги, рангоранг қурилишлар. Янги-янги, сурурли манзаралар...

Накуртда эса қишлоқ ахлин-гун қувончи чексиз. Ёмғирдан қувончлари чексиз. Чунки қиш-логимнинг қир-адирлари лалми-кор ерлар. Одамлари кўкка қараган. Бугдойининг ҳам, нўхат-қўқатининг ҳам баракаси

қўкдан. Борганининг учинчи куни На-куртсой қирғоқларини ямлаб-юл-қаб, тўлдириб-тошиб сел келди. Одамни ваҳимага соладиган сел. Кимнингдир уч-тўрт қорамолни ҳам оқизиб кетибди.

Накуртда «Саман тойчоқ» деган фильм олинаётган экан. Бош рол-



Азим СҮЮН

КЎКЛАМ ҚАДАМЛАРИ

ни ўйнаётган Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган артист Боир Хол-мирзаев тоғларга тикилиб «қиш-логингиз зап кинолар оладиган жой экан», деди менга.

Ёмғирни яхши кўраман. Бола-лигимда ҳам ёмғир остида юриш-ни, қирларда ялангоёқ, яланбош югуришни жуда-жуда севардим. Бу йил бизбоп кўклар келди. Чин кўклар ёмғирлар билан келадиг-да, ана ёмғир, мана ёмғир.

Йиғирма сакizinчи март куни ҳам туни билан ёққан ёмғир кун-дузи-да давомлади. Фаргона йўлидами. Машина ойналари си-диргичи ёмғирни сидириб улгур-майдими. Йўлнинг икки ёни кета-кетгунча ям-яшил. Бўзлар, май-салар, бугдойзорлар ёмғир дас-

тидан қоратир тусга киргандек кўринади. Дарахлар қотиб қол-гандек. Оҳангрон сув омбори сув йиғмокда. Шунча ёмғир ёққани билан у лойқалани улгурмаган. Кўм-кўк, холбуки, унга Қамчи-сойдан, тоғ жилғаларидан, жи-ралардан бетини бўтана сув ке-либ қўшилмокда.

хорижнинг улкан машиналарига-ча. Беихтиёр бунинг ҳаммаси Му-стақиллик шарофатидан, дейсан. Оқилона сиёсат инъоми, дейсан.

Машинамиз тоғни қўқ ёриб ўтган икки тоннедан ўтар экан, хаёлилар опқочади: 1994 йил Токиодан Киотога поездада ўтган-сиз. Шу оралиқдаги йўлда тоғни ёриб ўтган тонне бор. Хайрат-дан донг қотганмиз. Наҳотки, тоғ-ларни ёриб йўл ўтса? Мана, ўн йил нари-берисидаги хаёл ҳақиқатга айланиб турибди! Ўзбе-кистонда айланиб турибди, энг юксак тоғларимизда айланиб ту-рибди! Стратегик йўлда айланиб турибди!

Довон ортда қолди. Резаксой бўйлаб водий йўлига тушиб ол-дик. Ёмғирнинг тўхташ макони йўқдек. Тоғ дараларида, камарлар-да туман кўзга ташланади. Сой бўйлаб уйлар пайдо бўлибди. Баъ-зи қишлоқнинг муриларидан тутун кўкка ўрлайди. Йўл четларида сав-до расталари, замонавий ошхона-лар, чойхоналар...

Кўклар кўркини кўрмокчи бўлсангиз, Наманганга келинг, Фарғонага келинг, Андижонга ке-линг! Қорасув билан Нориндарё қўшилишиб, Сирдарёга айланиб кўқаридаги чавандозларнинг ар-ғумоқлари терга ботиб пишиқир-гандай пишиқиб, тўлиб-тошиб, қирғоқдаги одамни тортиб кетгуд-дай дарёнинг оқишини кўринг.

Оқ тераклар, кўк тераклар, сарвакд тераклар, шамшод терак-лар... Бутун водийни эгаллаб ол-гандек. Чексиз, қатор сафланган мағдур аскарлардек, расталанган адл қилардек...

Бодомлар ва ўриклар қийғос гуллаган. О, водий ўрикзорла-ри... бутун-бутун улкан гулдаста! Бу гулдастала ёмғирзорлар ора-сида ҳам хилма-хил товланади. Ко-сонсой, Фовасой, Олмоссой ўрик-зорлари, Шохимардон, Сўҳдарё бўйлари, Қува ўрикзорлари, Хо-нобод, Чўнтақ адирлари ўрикзор-ларининг таърифига сўз ожиз! Уларнинг ҳар шоҳида нағма бор, ҳар бутасида титроқ оҳанг бор, ҳар япроғида куй бор, ҳар гунча-сида қўшиқ бор.

Уй-жой мулкдорлари: муаммо ва ечим

(Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳридаги барча туманларда ХУМШ уюшмалари тузилган. Кўп қаватли уй-ларга хизмат кўрсатувчи шир-катларни янги қонун асосида ташкил этиш ишлари даяриб якунланиб, шаҳарда жами 2086 та хуқуқий мақомага эга бўлган, белгиланган тартибда монито-ринг қилишиб, рўйхатдан ўтказилган хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тузилиб, улар томонидан ўрта-ча 4,4 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатилади.

Икки йилдан ортиқ давр мобайнида пойтахтдаги турар-жой ширкатлари фаолиятини ташкил этишда рўй берган ўзгаришлар, ҳали ечимини топмаган айрим масалалар, айниқса, «Хусусий уй-жой мул-

Мониторинг натижалари таҳ-лили шуни кўрсатмокдаки, бу-гунги кунда «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари барча жойларда ҳам тўлиқ ижро этилмокда, деб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўтказил-ган мониторинг ширкатларнинг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкларозлаштириш, фука-роларнинг ўзини ўзи бошқар-иш органилари билан ўзаро муносабатларини янада кўчай-тириш, қонунда белгиланган тартибда умумий йиғилишлар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш, ишчи-ҳодимларни ишга тайинлаш ва уларнинг фаоли-ятини назорат қилиб бориш, мажбурий бадаллар тўловлари-ни ўз вақтида ундириш ва ки-рим қилиш чораларини кўриш,

ширкатлар учун қонун ҳуж-жатларига мувофиқ, ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фа-олияти билан шуғулланиш ва шу асосда хизматлар сифати-ни яхшилаш, рақобатни ривож-лантириш, даромадларини ошириш ҳамда моддий техник базасини шакллантириш йўна-лишларини белгилаб беврочи методик қўлланма ишлаб чи-қиш ва ширкатларга тарқатиш; ширкатлар маблагларидан мақсадли фойдаланиш, ортик-ча ҳарajatларнинг олдини олиш ва энергияни тежаш мақ-садида ширкатлар қарамоғида-ги кўп қаватли уйларнинг умум-фойдаланиш жойларида ишла-тилаётган электр энергиясини хисоблаш ускуналарини ўрна-тиш бўйича имтиёзли кредит-

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

ҳар бир фуқаронинг фаоллигига боғлиқ

қдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ масала юзаси-дан Сенатнинг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмита-си ҳамда Тошкент шаҳар Кен-гаш депутатлари, мутахассис-лар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда монито-ринг ўтказилди. Унинг нати-жалари Халқ депутатлари Тош-кент шаҳар Кенгашининг 2006 йил апрелда бўлиб ўтган се-сионсида муҳокама қилинган ўта муҳим ва долзарб бўлган ана шундай ҳудудий муаммо-ни ҳал этиш учун куч ва им-кониятларни бирлаштириш ҳамда улардан унумли фойда-ланишга қулай имконият яра-тиди, деб ҳисоблайман. Унда муаммо ва камчиликлар рўй-рост айтилиб, уларни барта-раф этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мониторинг давомида 11 та туман бўйича жами 601 та ху-сусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти ўргани-либ, таҳлил қилинди.

Ўрганилган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари то-монидан жами 2653 та кўп қаватли уйлардаги 141709 та (1 та ширкатга 236 та) хона-донларга хизмат кўрсатилган. Мазкур ширкатлар мулкдорла-ри эгаллаган майдон 9165,2 минг квадрат метрга тенг бўлиб, 1 метр квадрат учун ба-дал тўловининг ўртача миқдо-ри 61,1 сўмни ташкил этган.

Таҳлил қилинган 601 та ширкат томонидан кўрсатил-ган хизматларнинг бир ойлик ўртача ҳисоби жорий йил ян-вар ойи кўрсаткичлари бўйи-ча 406,1 миллион сўмга тенг бўлиб, мулкдорлар томонидан жами 476,3 миллион сўмлик (117 фоиз) тўлов бажарилган.

Фаолияти ўрганилган шир-катларнинг 433 таси ўз кучи билан, 164 таси профессио-нал сервис компаниялари ор-қали, 4 таси эса бошқа шир-катлар ёрдамида ўз қарамоғи-даги уйларга хизмат кўрсат-мокда.

ўзаро тўлов интизомига риоя қилишда камчиликлар ва ай-рим ширкатларнинг мол-мул-кинни турли йўللار билан ўзлаштириб, талон-тарож қилиш ҳолатларига йўл қўй-лаётгани ҳам маъжудлигини кўрсатди.

— Юқорида санаб ўтилган мисоллардан кўриниб ту-рибдики, ижобий ишлар би-лан бирга, ечимини топма-ган муаммолар ҳам талайги-на. Айтинг-чи, уларни бар-тараф этиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Яъни мониторинг якунида бу борадаги так-лиф-мулоҳазалар билдирил-дими?

— Сенат қўмитаси ва Тош-кент шаҳар Кенгаш ишчи гу-руҳи «Хусусий уй-жой мулкдор-ларининг ширкатлари тўғриси-да»ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижа-лари асосида аниқланган мав-жуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда ширкат-лар фаолиятини янада самара-ли ташкил этиш имкониятлари-ни таъминлаш бўйича қуйида-ги таклифларни билдирди:

— «Хусусий уй-жой мулкдор-ларининг ширкатлари тўғриси-да»ги Қонунга тўғрив ширкат фаолиятининг асосий вазифа-лари, принциплари, уларни давлат томонидан қўллаб-қув-ватлаш, ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уни бо-шқариш, мол-мулкдан фойда-ланиш тартиботлари ҳамда фа-олиятини туғатишгача бўлган йўналишлар ҳақида тушунти-ришлар бериш бўйича ҳар бир туманда тегишли жадаввал асо-сида семинарлар ташкил этиш;

лар ажратиш, лизинг асосида ҳисоблагичлар билан таъмин-лаш чораларини кўриш;

— қонунда назарда тутилган тартибда ер участкаларини ширкатга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш ва қайта ташкил этилган ширкатларнинг ер участкалари чегаралари (ўлчамлари)ни белгиланган тар-тибда ўзгартириш билан боғ-лиқ бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ҳар бир ширкатнинг ўз ҳудудини тасдиқловчи кадастр ҳужжатла-ри билан ўз вақтида таъмин-лаш ишларини амалга ошириш лозим.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий мада-ниятини юксалтириш ҳам асо-сий вазифалардан бири ҳисоб-ланади. Чунки у мулкдор. Ун-дан ташаббускорлик талаб қилиниши зарур. Мониторинг натижаларидан кўриндики, аҳолининг маъсуляти ошган. Аҳоли ҳуқуқат қарорларининг моҳиятини улар ижросидан яна-да яққолроқ сезмокда. Бу ишни давом эттириб, ривож-лантириб бориш керак. Токи, аҳоли бу ишни бажариш ўзига фойдали эканини англаб ет-син. Қонун талабларини адо этиш мажбурий эканини ҳис эт-син. Қолаверса, қонунда бел-гиланган тарзда уй-жой мулк-дорлари томонидан уй-жой фондини асраш, таъмирлаш чораларини кўриб бориш, те-жаскорлик билан иш тутиш каби масалалар ҳам уларнинг онгидан жой олиши зарур. Бу-нинг учун хусусий уй-жой мул-қдорлари мажбурий ва ихтиё-рий бадал тўловлари ҳисоби-дан мақсадли фойдаланиши керак. Вазифа битта — ўз мул-кинни асраш ва таъмирлаш.

Зеро, ҳар бир қонун доим-ий ва мунтазам равишда ижро этилгандагина қўзғалган мақ-садга эришиш мумкин.

Сўхбатдош: Хидоят ЖҲРАЕВА, «Ишонч» мухбири

Бандлик дастури амалда

УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА афзаллиги кўп экан

«Шохруҳия» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Чиннигул Камолова уйлаб қараш, Оққўрғон тумани ва ўзи ишлаган Султон Сегизбоев номли ширкат ҳўжалигидан ташқарига чиқмабди. — Йиллар шамолдек, бунча тез учмаса-я, кўнглидан ўтказди, у. — Аслида-ку, бошқа тенгдошлари каби рўзгор ишларини қилиб, уйда тинчгина ўтирса бўларди. Аммо уч нафар фарзандли бўлиш-га, турмушдоши тўшака михлиниб қолди. Оиланинг барча ташви-шини гарданига олиб, ширкатда ишлаб юрган эди.

— Икки ойдан буён бекор ўти-рибди. Ҳали қайқага уришни бил-майди. Ширкат тарқатилиб, фермер ҳўжаликлари ташкил этилган. Ҳеч ким «бу ёққа кел» демайди. Рўзгор дегани мисоли «гор»га ўшаркан. Топган-тутганининг ҳам кети қўри-ниб қолди...

Қўнча эшигининг тақиллаши ҳаё-лини тўзгитиб юборди. Остонада фуқаролар йиғини раиси ва туман меҳнат бўлими бошлиғи Олимжон Мустафоев турарди.

— Вақтинчалик ишсизларни рўйхатга олиб юрибмиз, дега гап бошлади оқсоқол. — Меҳнат бўли-мида захира ўринлар бор экан, — йўқ демасангиз бирортасига сизни жойлаштиридик.

— Маилуку-я, бироқ... мен фа-қат кетмон чопишдан бошқа йому-ша ярамайман, хунарим ҳам йўқ. — Бу ёғидан хотиржам бўлинг, ўзлари ўргатишди...

Маҳаллақўм ҳақ гапни айтган экан. Орадан ҳеч вақт ўтмади. Бир куни уни бўлимга қақриб қолиш-ди. Борса, ўзи сингари йиғирма на-фар хотин-қизлар тўпланиб тури-шибди. Шу кундан бошлаб улар ти-қиш-бичиш бўйича қисқа муддатли қурсларга қатнай бошлади. Ҳозир ана шу аёллар меҳнатидан сайқал топаётган бежирим кийим-кечак-ларини кўрган киши бир умр кет-момдаста тутган қадоқ қўллардан шундай махсулотлар тайёрланиши-га ишонмаслиги мумкин. Аммо бор-ни-бор, дейиш керак.

Мақолини шу мисолдан бежиз бошламадик. Ижтимоий ҳимоя йили дастури бўйича туман меҳнат бўли-ми мутасаддилари аҳоли бандлиги-ни таъминлаш ва янги ишчи ўри-нлари барпо этишга эътиборни куч-айтиришмоқда. Бунинг натижасида даставвал ҳудуддаги корхона-ташки-лотлар ҳамда яққа тартибдаги субъектлар ва фермерларнинг ички имкониятларини ўрганиб чиқилди.

Бўш ўринлар маълум бўлган, ма-ҳалла кўмиталари ва қишлоқ фу-қаролар йиғинлари раислари жалб этилиб, уч томонлама, яъни иш бе-рувчи, меҳнат бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш органилари ҳамкор-лигида истиқболли шартномалар тузилди. Унга кўра, биринчи гада қишлоқ ҳўжалиги тармоқларидан бўшаб қолган кишиларни саноат соҳаларига йўналтиришга ва шу жойларда касаначиликни ривож-лантиришга аҳамият қаратилди.

Мақсад аниқ режага йўналтирил-ган, уни удаллаш қўйин кечмаеп-ли. Тугатилган тўртта ширкат ҳўжа-лиги тасарруфидидаги қишлоқлар ва «Дўстлик», «Шохруҳия», «Зарбор» каби қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган минг нафар-дан зиёд вақтинчалик бўш юрган-ларга меҳнат ярмаркаси орқали янги иш ўринлари яратилди. Шу-нингдек, ҳудуддаги хунармандлар-

дан 20 нафарига банкдан кредит олишига кўмаклашиш ҳисобига уларнинг фаолияти кенгайтирилди ва кўшимча 255 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Ешларни касб-корга йўналтириш ва хунарга ўргатишда «Сатторов» ху-сусий корхонаси, «Автокорхона» маъсуляти чекланган жамият, «Ма-динабону» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, Қонқа сувдан фойдала-ниш жамоаси, «Қумуш тала» жамия-ти, «Аҳмед-Элена» каби ишлаб чи-қариш жамоалари фаоллик кўрста-япти.

— Уч томонлама тузилаётган шартноманинг афзаллиги кўп, — дейди меҳнат бўлими бошлиғи Олимжон Мустафоев. — Унинг асо-сий бандлари ишловчининг ижтимо-ий-иқтисодий ҳимоясига, хавфсиз меҳнат шариоати яратилишига, меҳ-нат дафтарчасининг юритилишига ва дам олишларини таъминловчи кафо-латларга қаратилган. Айни пайтда шартнома ижроси бўйича иш бевур-чи, фуқаролар йиғини ва бўлими-миз мутасаддилари бирдай маъсул-дирлар.

Туман мутасаддилари «Бандлик дастури» бўйича узокқа мўлжаллан-ган йўриқномаларга таянишди. Унда нафақат катта ёшдагилар, балки мак-таб битирувчилардан тортиб, ёш бо-лали аёллар, жазони ижро этиш му-аассаларидан қайтаётганларга за-ҳираланган иш ўринларига жойлаш-тириш ва тайёрлаш масалалари кенг қамраб олинган. Масалан, жорий йилда 2400 кишини, шундан 80 на-фар битирувчи, 12 нафар «Амнис-тия» туфайли озодликка чиққан ва 120 нафар ёш болали оналарни ишга жойлаштириш режалаштирилганди.

Инфратузилманинг изчил шаклла-ётгани боис меҳнат жамоалари ва ки-чик корхоналарда иш ўринни кен-гайтириш, янги цехларни қуриш им-кони туғилди. Натижада ўтган уч ой оралигида 1200 нафар киши йому-шли бўлди. 45 нафар битирувчилар эса касб-хунарга йўналтирилди.

Меҳнат бўлими бошлиғи ва «По-қиза-М» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумалик Каримовнинг суҳбатига эътибор қаратдик:

— Дала ишлари бошланди, — дей-ди мулкдор. — 100 нафар доимий ишчимиз бор. Аммо улгурмайлимиз. Яна 20 киши керак. 50-60 миң сўм маошга қўшиб бепул иссиқ овқат, ўзимиз етиштирган қишлоқ ҳўжали-ги махсулотларидан берамиз. — Меҳ-нат дафтарчаси очилади, имтиёзла-ниш кўп, — дея таъкидлайди у.

Тақлиф билан бўлимга мурожаат этаятганлар жуда кўп. Демак, меҳ-натда лаёқатли кишиларнинг четга чиқиб қолмаслиги тайин. Фақат ҳар бир инсонда интилиш ва ҳаракатчан-лик бўлиши керак.

Абдусами ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Шогирдлари муваффақиятидан масрур устоз фарзандлари бахтидан шодумон отага ўхшайди. Устоздан оталик, шогирддан фарзандлик меҳрини такозо этгучи устоз-шогирдлик аънанасининг фидойи давомчиларидан бири, беназир инсон Анвар Каримов кутлуг 70 ёш оstonасида.

Эҳтиром



сценарист сифатида ҳам ўқувчиларга яхши таниш. Ж.Неру, Прем Чанд, Р.Бредбери, Р.Киплинг, О.Гончар, М.Горький, А.Атакишиев асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Устоз сценарийси асосида яратилган «Она ер фарзандлари», «Академик Т.А.Саримсоқов» фильмлари халқро тиражага лойиқ деб топилган.

Иш фаолиятини ўзбекистон телевидениесидан бошлаган Анвар Каримов дастлаб муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи ва бош муҳаррир, кейинчалик ўзи тахсил олган Тошкент Давлат (ҳозирги ЎзМУ) университетининг журналистика факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, декан ўринбосари,

Маърифатга шайдо қалб

да эътироф этадилар. Унинг республика телевидениеси тарихи, назарияси ва амалиётига оид икки мингдан ортиқ мақола, очерк, эссе, интервюлари газет ва журнал саҳифаларида, энциклопедия, илмий тўпламларда чоп этилган. Изланишдан, меҳнатдан толмайидиган бу инсон «Ўзбекистонда телевидение» «Инсон зийнати», «Телевидение Узбекистана» китобларининг муаллифи ҳамдир. Айни пайтда Ўзбекистон телевидениесининг ярим асрилик тўйига бағиш-лаб ёзилган «Ойнаи жаҳон фидойилари», «Тошкент муъжизаси» номли китоблари армуғон этилиш аралишида.

Устозлик талаби ва мақсади шогирдларига ўзида борини бериш, бағрикенг бўлиш, оталарга ғамхўрлик кўрсата олишидир. Анвар Каримов шогирдлари бутун турли давлат идораларида масъул лавозимларда фаолият кўрсатмоқда.

Бир гуруҳ шогирдлари

Хотира уйғонса гўзалдир

(Боши 3-бетда)

Бухоройи шариф, инчинун, она ўзбекистондаги тарихий обидаларнинг ночор аҳоли тўғрисида бир гуруҳ ижодкорлар (бошлиғимиз Н.Аминов эдилар) Кремлга, М.С.Горбачевга очик хат, мурожаатномалар ёзиб жўнатдик. Лекин ҳеч бир натижа чиқмади. Чунки у Вақтда Кремлдагилар ўз ёнига ўзи қовурилатган эди. Шундай Вақтда, қўш-ли кўнда момоқалдирак гўмбурлаган каби «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бирин-кетин «Обидалар нидоси», «Бухорони кутқаринг» мақолалари эълон қилинди. Лоқайд бошлар, лоқайд кўзлар бирдан сергак тортиди. Кенг жамоатчилик уйқудан уйғонди. Ҳаммининг тилида обидаларнинг ночор аҳоли...

шиди эдилар. У киши шарофатларидан Бухоройи шарифда нақшбандия тарикати қайта илдиқ отди. Дарвоқе, Уста бобонинг ўзлари ҳам бир умр «Дил ба ёру даст ба қор» широрига амал этган пир эдилар. Ичи тўла идишга тоза сув солмоқ учун нима қилиш керак? Албатта, идишдаги ифлос сувни тўкиш лозим-да! Одам ҳам ўз ичидаги иллатлар баҳридан кечмас, яхши хислатларга жой тополмаскан. Мен ҳам идишдаги иллатларни тўқа бошладим. Бу учун эса Вақт ва жасорат лозим эди.

Неъмат ака орқали қалб кўзи очик Те-мур ака Ганиевни топдим. Те-мур акадан «обекларсиз дунё бўйлаб сайр қилмоқ» санъатини ўргандим. Сабрни, қаноатни, шукронани, одамгарчилик илмларини ўргандим. «Кўларсиз жаҳонни кўра билгучи» Ўлмас Расулони топдим. Давримизнинг атоқли адиблари Саид Аҳмад, Озод Шарофидинов, Гайбулла ас-Салом, Наҳмиддин Комилов, Иброҳим Фафуровларни кашф қилдим. Дўст кулфатда билинди, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Мен Неъмат ака бошларга кулфат тушганда «дўст»ларни кўрдим. Ул Вақт Неъмат акага ҳам, «дўст»ларга ҳам синов эди.

ВАҚТНИНГ СОЧИ ОҚАРМАС

монлик кўрсатиб, бутун Ўзбекистон ОБИ-ДЛари ҳимоясига бел болагандилар. Устознинг орзулари ИСТИҚЛОЛ шарофатидан ушладди, алхамдулиллаҳ!

Неъмат ака нечун кўрқмас, жасур эдилар? Чунки у кишида тамаъ йўқ эди. Уста бобо қизиқ бир ривоятни ҳикоя қилиб бергандилар: «Нақл этилишича, бир шайх одамларни йўлдан оздирувчи Шайтонни ўлдирмоқчи ният қилибди. Буни кўринки, шайх Шайтонни жангда енгиб, бўйнига пичок қўйганда, хўйлаган Шайтон: «Эй ҳазрати шайх, мени ўлдирмоқдан сизга не наф? Агар мени озод қилсангиз сўз берман, биринчидан, одамларни энди ҳеч қачон йўлдан оздирмайман, иккинчидан, ҳар сахар ёстигингиз остига ўн тилло танга қўяман. Ҳам тўйиб-тўйиб овқатланадиган, ҳам дин-диёнат йўлида сарфлайдиган бўласиз!» деди. Шайх ўйлаб кўрса, Шайтоннинг гапига жон бор. Дарҳол уни озод қилибди. Бир ҳафта давомида ёстигининг тағидан олтин тангаларни олаверибди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб ёстиги остидан сизга не чикмабди. Шайх Шайтоннинг бу қилиғидан ранжиб, у билан яна жанг қилмоқ учун йўлга чиқибди. Яна курашибдилар. Бу дафъа эса Шайтон голиб келиб, Шайхнинг бўйнига пичок қўйибди. Шайх хайрон бўлиб: «Менинг кўч қуватим ўзгаргани йўқ-ку. Нега аввалги ҳафта сени енгдим-у, бу дафъа мағлуб бўлдим?» деб сўрабди. Шайтон: «Эй гўмроҳ шайх! Аввалги дафъа сен бетамаъ ният қилиб чиққан эдинг. Аллоҳ сени голиб этди. Бу дафъа эса тамаъ юзасидан майдонга кирдинг. Таъмағир хамиша мағлуб!» деб шайхнинг бошини таснасидан жудо қилди.

Уста бобо ривоятни тугатдилар-у, кейин менга дедилар: «Садриддин, доимо тамаъдан узоқ бўлиш керак. Қай ишгаки бетамаъ киришсангиз, албатта мурод ҳосил бўлади. Буни кўринки, бетамаъ одам ҳатто Шайтонни ҳам енга олмай!»

Уста бобонинг ўзлари ҳам бетамаъ эдилар. Шу боис у кишини ҳамма ҳурмат қилар, яхши кўради. Дарвоқе, Уста бобо Шайтонни мағлуб этган кишилардан эдилар. Неъмат акани ҳам Шайтон адаштира олмади. Одам суратидаги Шайтонлар ҳам у кишини енга олмади. Чунки Неъмат ака тамаъ йўқ эди. Чунки Уста бобо Неъмат акани меҳнат нони — ҳалол лўқма билан воёга етказгандилар.

Агар маёқ бўлмаса, кема манзилга етолмайди, адашади. Ҳар бир киши ҳаётида ҳам албатта мана шундай маёқ — шахслар бўлиши керак экан. Мен учун уста Амин бобо маёқ эдилар. Уста бобо орқали одамларни, дунёни кашф қила бошладим. Натижада Теша бобо Нақшбандияни топдим. Ҳожи Теша бобо нақшбандия тарикати пири мур-

Пиримиз дердилар: «Гавҳар балчиққа тушгани билан қиммати пасаймайди. Балчининг эса қиммати ошмайди. Гавҳар — гавҳар, балчиқ — балчиқ!»

Неъмат акадан Бухоро тимсолида бутун Ўзбекистонни севмоқ илмини ўргандим. Ёзувчи бўлиш, халқ меҳрини қозониш ҳам осон эмас. Неъмат ака халқ меҳрини қозонган ёзувчи эдилар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳадисларида айтилишича, қай бандасини Аллоҳ яхши кўрса, фаришта Жаброил с.а.в.га: «Шул бандамни яхши кўрдим, уни сен ҳам яхши кўр!» деркан. Фаришта Жаброил а.с. бошқа фаришаларга ҳалғи кишини севишни буюраркан. Кейин ул бандани ердаги одамлар яхши кўраркан. Демак, одамлар бир кишини севишти, ҳурмат қилди, унда қиммат бор. Ўз-ўзидан бу ҳурмат, бу эъзоз пайдо бўлмайди.

Неъмат ака Ҳазрат Баҳоуддин айтганларидек: «Шухратда офат!» борлигини билар, шухрат кетидан югурмас эди.

Неъмат ака — бахтли инсон. Суянаман деса, ҳақиқий дўстлари бор, холисаниллоҳ дуо этадиган дуоғуялари бор, фахрланадиган шогирдлари бор инсон бахтли-да! Бухоро Неъмат Аминов билан фахр этарди. Неъмат ака ўз Бухороси, ўз Ўзбекистони, ўз Президенти билан фахр этарди.

Дарвоқе, 67 йиллик Вақтни Неъмат акадай ўтказмоқ, хамиша маънавият-маърифат, эзгулик, савоб иш учун хизмат қилмоқ ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Аллоҳ таоло Неъмат акага улуг неъматлар ато қилди. Мустанқиллик шарофатидан устод Неъмат ака ҳам ободатини дозо қилдилар. Сўнгги нафасларигача Устознинг тиллари, диллари зикрда ва шукрда бўлди. Муборак Рамазони шариф ойда бокий оламга рихлат қилдилар.

Одам бир кунмас-бир кун ўлади. Лекин Вақт ўлмайди. Агар инсон ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган Вақтни эзгулик, бунёдкорлик, тоат-ибодат йўлида сарфлаган бўлса, ВАҚТНИНГ хотирасида абадий қолади. Бундай зотларни ўлди дейиш но-тўғри...

Ҳар биримизнинг бахтли ва бахтсиз Вақтларимиз бор. Аслида Вақт — бахт, имкониёт.

Соч-соқол оқарди. Вақтнинг соч-соқоли оқармайди. У навқирон! Кўзининг нури камайди. Вақтнинг кўз нури камаймайди. У ҳамма нарсани кўради. Хотира пасаиди, Вақтнинг хотираси мустаҳкам. У ҳеч нарсани унутмайди.

Мени Неъмат ака билан учраштирган ВАҚТга 40 йил тўлибди...

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

Қарор ва ижро: ёзги соғломлаштиришга тайёргарлик

Қашқадарё воҳасида 20 та оромгоҳ бўлиб, улар Яқабоб, Шахрисабз, Китоб туманларининг сўлим гушаларида жойлашганлиги, болаларнинг мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олиши, иқлимий-профилактик муоалалар ўтказишга қулайлиги, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароит яратилганлиги билан ажралиб туради.

бошлиқлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши ижроия кўмитаси қарорига кўра галдаги вази-фалар белгилаб олинди.

Эътироф этиш лозимки, болаларни ёзги дам олдириш бўйича ҳомийлик ҳаракатини кенг қўламада тарғибот қилиш, ҳомийлик маблағларидан самарали фойдаланиш учун болалар соғломлаштириш ва дам олдириш

Бултур вилоятнинг ҳордиқ масканларида 21 минг 390 нафар ўғил-қиз дам олдирилиб, ёзги мавсум уюшқоқлик билан янқунланди. Йўлнамаларнинг 50 фоиздан ортиғи ҳўжалик ва ташкилотлар ҳисобидан бепул қилиб

ТАШАББУС КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯДИ

берилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан келган 163 нафар бола тоғлар бағридаги Беруний номи оромгоҳида соғломлаштирилди. «Муборакнефтьгаз» унитар қорхонасига қарашли «Еш алангачи», «Шўртан-нефтьгазкимё» мажмуасининг «Лочин» ва «Матлуботсавдо» акционерлик жамиятининг Йўлдош Охунбоев номи оромгоҳларида «Меҳрибонлик уйлари»нинг 353 нафар тарбияланувчилари соғлигини тиклади.

жамғармасини тузиш ва бу соҳада вилоятда ҳашар ўтказиш, ундан тушган маблағни жамғармага йўналтириш тўғрисидаги ташаббус ҳар хижатдан ибратлидир.

Болаларни дам олдириш бўйича олиб борилган ишлар вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳар душанба кунини бўладиган йиғилишида муҳокама этилиб, мавжуд муаммолар хал қилинапти.

Яқинда бўлиб ўтган ана шундай кўшма йиғилишлардан бирида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев қатнашида ва ёзги соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича мутасадди қорхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари олдида турган долзарб вазифаларга эътиборни яна бир бор қаратди.

Федерация кенгаши ижроия кўмитасининг ушбу қарори болаларни жисман ва рухан соғлом қилиб тарбиялашда ўзига хос омил эканлиги шубҳасиздир.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

МАРГИЛОН ҲАҚИДА СЎЗ

Маргилон шаҳрининг икки минг йиллиги ўтмишимизнинг кўна маданият маркази янглиг ҳам нишонланади. Ана шу жараёни ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жамғарма савъ-ҳаракати билан олиб борилган ижодий изланишлар ўз самарасини берди. Қадимий шаҳарнинг ноёб осори-атикалари намуналарини ўз ичига олган альбом юзага келди. «Олтин мерос» жамғармасининг Маргилон шаҳар бўлими ходимлари бу юбилейга аризулик совғалар ҳозирлашмоқда. «Маргилон — орзулар шаҳри» деб номланган янги нашр тортиқ қилинди. «Маргилон ҳақида сўз», «Маргилон шаҳрига хуш келибсиз», «Маргилон муаллимлари» каби рисоалар ҳам босиб чиқарилди. Улар орқали шаҳарнинг бой ўтмиш тарихи ва бугунги фаровон кўни ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқarli маълумотлар билан танишиш мумкин.

Акбар АЛИЕВ

БИЛАСИЗМИ?

Демографик маълумотларга кўра, бутун инсоният тарихи давомида 80 миллиарддан ортиқ одам туғилган. Шу жумладан, миллоддан аввалги 40 минг йилда 4 миллиард киши, миллод бошидан 1750 йилгача 61 миллиард ва 1750 йилдан 2000 йилгача 16 миллиарддан ортиқ одам дунёга келган.

Кўп фарзандчилик Осиё ва Африка мамлакатларида авжга чиққан. Лекин Россияда ҳам XX аср бошигача кўп болалик аънанаси мавжуд бўлган. Машҳур шифокор Н.Пирагов оилада 13 бола, буюк қиммат олим Д.Менделеев эса 17 фарзанд бўлган. Ёзувчи Лев Толстойнинг эса «атиғи» 13 нафар боласи бор эди.

Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши жамғармасининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мутахассиси Бахтиёр Сафаровга онаси

РАҲАБ момонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Футбол «НЕФТЧИ» ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича XVI миллий чемпионатнинг 6-тур учрашуварларида бир нечта ўйинлар бўлиб ўтди. Яъни уларда кучли жамоалар ўзаро учрашишди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Навбахор» клубини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида зафар қучган бўлса, пойтахтнинг яна бир клуби — «Курувчи» Зарафшоннинг «Кизилқум»ини худди шу ҳисобда мағлуб этди.

«Насаф» эса Қаршида «Машва» жамоасига имкониятни бой берди — 0:1.

«Андижон» жамоаси ҳам 2-турда «Нефтич»га 0:1 ҳисобида ютқазганини эътиборга олмаганда, қолган ўйинларда рақибларига очко бермапти. Утган турда Бекободда йирик (4:1) галабага эришган водийликлар бу гал ўз уйида «Трактор»дан устун келди — 2:1.

Қолган учрашувардаги натижалар эса қуйидагича:

Нефтичи—Металлург—2:1, Тўполан—Самарқанд—Д—1:1, Вобкент—Локомотив—1:0, Шўртан—Бухоро—2:0.

Спартакиада



киадасини ўтказиб келди. Айни пайтда саккизинчи бор ўтказилиши белгиланган республика спорт анжуманининг иккинчи босқич баҳслари ўтмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги тармоқ касаба уюшмаси шахмат ва шашка мусобақаларининг шаҳар босқичини ўтказди. Баҳсларда 10 та тармоқ жамоаларидан 30 нафар ишчи-ҳодимлар иштирок этишди.

Акмал АБДИЕВ Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

ЗЕҲН ЎТКИР БЎЛСА...

Бугун деярли ҳар бир ташкилотда спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Имкониёт йўқ жойларда ҳам тезда зарур чора-тадбирлар кўрилиб, шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳар йили тармоқ спарта-



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

BOH MUXARRIP, ABDUHOLIK ABDURAZZOKOV, Taхpир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев, (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулв Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғулмозқир Юсупов, Бизга қўнғирок қилинг: Котибият 153-52-78, Бўлимлар Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63, Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73, Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74, Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт бўлими: 153-82-79, Катлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43, Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90, БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134, E-mail: ishonch_doverie@mail.ru, Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи котиб - А.Алламурадov, Навбатчи муҳаррир - А. Ҳақбердиев, Навбатчи - М. Мўминова, Мусахҳих - Н. Юлдошев, Саҳифаловчи-дизайнер: Ю. Михайловский, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.30, Буюртма Ғ — 314, Тиражи: 17255, 1 2 3 4 5